


МУСТАҚИЛЛИК - БИЗНИНГ БОРЛИГИМИЗ, ШОНУ ШУҲРАТИМИЗ,
ЭРКИН ВА ФАРОВОН КЕЛАЖАГИМИЗ ГАРОВИДИР

ADOLAT

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

№34
(686)
2008 йил,
8 август, жумаADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
ПЕКИНДАГИ XXIX ЁЗГИ ОЛИМПИА УЙИНЛАРИНИНГ
ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ХХР Раиси Ху Цзиньтао-нинг таклифига биноан 2008 йил 8 август кун Пекинда ўтажак XXIX ёзги Олимпия уйинларининг очилиш маросимида иштирок этади.

ЭРКЛИ БЎЛГАН -
КЎРКЛИ БЎЛУР

Инсоният тарихи шундан гувоҳ берадики, ҳеч бир замонда, бирор бир халқ осонликча озодликка эришган эмас. Дарҳақиқат, асрлар бўйи бизнинг халқимиз ҳам озодлик учун тинимсиз кураш олиб борди. Бу йўлда шафқатсиз таҳқирлар, жудолуғу йўқотишлар кам бўлгани йўқ. Шунинг учун ҳам мустақиллик биз учун энг азиз, энг мўътабар неъматдир.

Халқимизнинг тантилиги-ю соҳаватшеалиги, мардлиги, қўли очиклиги-ю бағрикенглиги, сўзи ва иши бирлигига барча эллар гувоҳ. Мустақиллик қадрини юракдан ҳис этган юрдошларимиз хузу-ҳаловатидан, ҳатто керак бўлганда, манфаат-у оромидан кечиб бўлса ҳам шу азиз Ватан учун ёниб яшагга, меҳнат қилишга шай. Бундай азму шижоатни истиқлолимизнинг ўтган қисқа, аммо бунёдкор ишлар билан безанган даври яққол кўрсатиб турибди.

Истиқлол шарофати билан мустақиллик йилларида юртимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Айниқса, Ўртбошимиз раҳнамолигига қишлоқ аҳли ҳаётида, турмушида буй кўрсатган туб ўзгаришларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Мана ўзимиздан қиёс: бундан ўн йил аввал биз 100 гектар ер олиб, деҳқончилик билан шуғулланишни бошлагандик. Дастлабки қийинчиликлар орда қолиб, қисқа вақт ичида, мустақиллигимиз берган имконият тўғрисида, бийонийдек мулкдор бўлиб олдик. Техниканинг барча керакли турларини ўзимиз сотиб олиб, ҳамқишлоқлар турмушига кут-барақа олиб киришга эришдик.

Айни пайтда экинзорларимиз 400 гектардан ортди. 170-200 нафар кишини иш билан таъминлаб турибмиз. Ўтган йили 1500 тонна қишлоқ сифатли пахта етиштириб, режани ошириб адо этган эдик. Галла бўйича режаларимизни ҳам ортти билан бажарганимиз. Даромад ҳам шунга яраша бўлди: 610 миллион сўмдан ошди. 120 миллион сўмдан зиёдроқ фойда кўрдик.

Бу йилги натижаларимиз ҳам чакки эмас. Пахтакорларимиз 286 гектар майдонда гўза ўстириб, гектаридан 50 центнерлик ҳосил олишни мўлжаллаб туришибди. Шу мақсадда гўза парвариши агротехникасига алоҳида эътибор қаратаймиз. Шу кунларда ҳар тўп гўзада 10-12 тадан бўлик қўсақ бор. Айниқса, Сайфулла Файзиев, Ҳикмат Шукуров, Ҳомид Жумаев, Фахри Гадов, Ботир Шарипов, Аскар Нейматов иш юритаётган ҳудудлардаги гўзалар серҳосил. Таҳрибали меҳанизаторларимиздан Халил Халлоков, Намоз Жалилов, Муроджон Камолов, уста сувила Бобир Нажмиддинов, Алишер Садыев, Алишер Нейматов, Нуроб Нуров, Мадийр Шукуров, Саид Остонов, илгор ишчилар Меҳринос Нажмиддинов, Наргиза Қудратова, Умида Жалилова, Бахтиёржон Нейматов, Жамол Асадов, Розия Жалилова, Сарвинос ва Наргиза Нуровалар бошқаларга ўрнак бўлишаётир.

Галлакорларимиз энг улуг, энг азиз айём - Истиқлол байрамини муносиб тўғна ҳозирлашди. 80 гектар ердан 645 тонна сифатли дон йиғиштириб олдик. Шарнома режаси ортти билан бажарилди. Хирмонга 218 тонна ўрнига 250 тонна дон йиғилди. Тармоқдан 60 миллион сўмга яқин даромад кўрдик. 80 тоннага яқин галлани меҳнатқашларга тақсимлаб бердик. Дарвоқе, қорақўлчиликни ривожлантиришдаги ютуқларимиз ҳам қувонарли. Файрат Қодиров раҳбарлик қилаётган қўйчилик фермасида 2500 бош қорақўл қўйлар парвариш қилинмоқда. Таҳрибали чўпонлар орасида, айниқса, Жума Иброҳимовнинг жонбозлиги таҳсинга лойиқ.

"Эркил булган, кўркил бўлур", дейди доно халқимиз. Ўтган ўн етти йил ичида биз эришган фаровонлик, бунёдкорлик - барча-барчаси буюк Истиқлолимиз шарофатидандир. Мустақиллигимиз умрибқий бўлиб, йил сайин чирой очаверсин.

Давлат АҚРОМОВ,

Пешку туманидаги "Ўғлон" фермер хўжалиги раҳбари.

ВАТАН БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРИШ - ЮКСАК ШАРАФ

Бутун Ҳитой пойтахти Пекинда XXIX ёзги Олимпия уйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади. Мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг 205 давлати спортчилари қаторида юртимизнинг маҳорат бобида ҳеч қанчадан қоллишмайдиган йигит-қизлари ҳам голиблик учун майдонга чиқади.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, мамлакатимиз олимпиячилари Чин юртига йўл олиш аввалида бош майдондаги Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйишди. Бунда ўзига хос рамзий маъно бор. Зеро бош майдондаги ушбу монумент истиқлол, эзгулик, юрт қадрини юксакликка чорловчи тинимсиз сифатда спортчиларимизга кураш майдонларида омад келтирса ажаб эмас.

Дарвоқе, бу йилги Олимпиада мамлакатимиз спортчилари учун туртинчи Олимпиадadir. Мустақилликка эришганимизнинг даст-

лабки йилларида, аниқроғи 1992 йил Испаниянинг Барселона шаҳрида ўтган XXV Олимпия уйинларида 17 нафар спортчимиз ҳам дўстлик терма жамоаси таркибид майдонга тушган эди.

Мамлакатимиз спортчиларидан тузилган термаимиз эса жамоа сифатида 1996 йилдан буён мазкур нуфузли мусобақада иштирок этиб келмоқда. Ушда дама терма жамоамиз 200 га яқин мамлакат орасида 58-ўринни эгаллаган бўлса, тўрт йилдан сўнг Сидней (Австрали)да ўтказилган Олимпиадада 41-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Олимпия уйинлари "пойтахти" дея эътироф этилган Афина Олимпиадаси (2004 йил)да эса яна етти пагона юқори кўтарилдик: 34-ўрин! Афина Олимпиадасида Александр Доктуровили ва Артур Таймазовлар голибликни қўлга киритиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтарганликларини эслайлик, юракларимиз ҳаяжон ва хурсандчилиқдан бир ҳалқирган, қалбларимиз гурур ва ифтихор туйғуларини туйган эди. Зеро мамлакат байроғини баланд кўтариш - юксак шарафдир.

Юқоридики қайдлар мамлака-

тимизда Ўртбошимиз раҳнамолигид спортни ривожлантиришга бўлган чексиз эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Пекин Олимпиадасидан ҳам умидимиз катта. Элик саккиз нафар юртимиз ўғил-қизлари спортнинг 15 тури бўйича чинакам кураш майдонига тушишди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, олимпиадаларимиз орасида қитъа ва жаҳон чемпионолари, олимпия уйинлари голиб ва совриндорлари ҳамда қатор истеъдодли ёш спортчиларнинг борлиги галабага бўлган ишончини

янада мустаҳкамлайди.

Хитойликларнинг удумига кўра, "8" омадли рақам ҳисобланади. Шу боис жорий йилнинг 8 ойи - августнинг 8-санасида, яъни бугун маҳаллий вақт билан 8 дан 8 дақиқа, 8 сония ўтганда бошладиган Олимпия уйинларининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон байроғини таҳрибали боксчимиз Дилшод Махмудов кўтариб ўтади.

Байроғинг, дунё бўйлаб хил-пирайверсин, Ўзбекистон!

(4-бетда ўқинг).

2008 йил - Ёшлар йили

ЮРТ КОРИГА
ЯРАЙДИ УЛАР

Самарқанд вилоятида иқтисодий ислохотлар муваффақиятини таъминлашда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ёшларнинг иштироки ортиб бормоқда. Айниқса, сўнгги йилларда иш бошлаган ўнлаб янги саноат корхоналарида ёш, билимдон кадрлар бошқарувни ўз қўлларига олиб, чинакам ишбилармонлик хислатларини намойиш этмоқдалар.

Самарқанд туманидаги "Агромир" Ўзбекистон - Америка қўшма корхонаси ижрочи директори Меҳрош Фозилов ана шундай ташаббускор ёшлардан. Мева-сабзавотларни қайта ишлашга мослашган бу корхонада тайёр маҳсулот юз фоиз экспортга жўнатилади. Мухими, корхона цехларига модернизация тўғрисида энг янги технологиялар ўрнатилган. Яна бир жиҳат шунки, "Агромир"да бугун 400 дан ортиқ ишчи ва мутахассис меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг 80 фоизини ёшлар ташкил этади.

Маҳсулотимиз жаҳон бозорларида ҳар сафар янги харидорларни топаётганини кўрсат хурсанд бўламан, - дейди Меҳрош Фозилов. - Чунки биз рақобат майдонидан нимаоён этмоқдамиз.

Бундай самимий, ҳолисона эътирофларни нафақат иқтисодиётни бошқаришда ўрнак бўлаётган, балки фан, маданият, санъат, спорт соҳаларида ҳам доврқ таратётган ёшлардан эшитиш мумкин.

- Ватан шаъни, кадр-қиммати мен учун ҳамма нарсадан улуг, - дейди миллий кураш бўйича жаҳон чемпиони Икром Нуриллаев. - Бултур Улан-Батор шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпио-натда юртимни яна бир қара дунёга танитдим. Мустақиллигимизнинг 17 йиллигига муносиб совға ҳозирлаш учун Осиё биринчилигид ҳам муваффақиятли қатнашмоқчиман.

Майор Анвар Ҳакимов Марказий ҳарбий округнинг Самарқанддаги сержантлар тайёрлаш мактаби бошлиғи ўринбосари. Бунгача у Чирчиқдаги ҳаво десант қўшинларида хизмат қилган. Ўзбекистон Куроли Кучлар академиясини муваффақиятли тамомлаган, сержантлар мактабид Ватан ҳимоячиларини тайёрлаш билан шуғулланмоқда.

- Жисоний, маънавий, сиёсий етуқлик бизда таълим олаётган ёшлар учун энг зарур мезон, - дейди у. - Шундай сифатларга эга бўлган фарзандларгина ўз юртини қўриқлай олади. Дияра Салимова Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини қошидаги 1-сон академик лицей талабаси. У яқинда Испания пойтахти Мадрид шаҳрида ўтказилган 49-халқаро математиклар олимпиадасида бронза медали соҳиб бўлди. Дунёнинг 97 давлатидан 535 нафар иқтидорли талаба иш-халарида ҳам доврқ таратётган ёшлардан эшитиш мумкин.

ди. Лекин илмга ташналиги, қатъияти, устозлар таянчи далда берди.

- Менинг ютуғим тенгдошларимни ҳам ўз қобилиятларини халқаро майдонда намойиш этишга ундасин, - дейди Дияра. - Чунки истеъдодлар кўпайган юртининг бугуни ҳам, келажаги ҳам саодатли бўлади.

Самарқандлик ҳозиржавоб, ташаббускор, зукко ёшлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Улар ҳар соҳада, ҳар бир жамоада истаганча топилади. "Қамолот" ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимида олинган маълумотларга қараганда, ёшлар фаолиятини муваффақлаштириш, аниқ мақсадларга йўналтириш ўз самарасини бермоқда. Вилоятда ёшларни ўқитиш, касбга йўналтириш, иш билан таъминлашда манфаатдор корхона-ташкilotлар кўпаймоқда. Йил бошидан буён вилоят шахар ва қишлоқларида бир неча марта бўш иш ўринлари йрмаркаси ўтказилган, тадбиркорлик кўргазмалари ташкил этилган, ёшлар илм ва ҳунар ўрганиш мақсадида махсус грантлар асосида хорижа жўнатилгани фикримизнинг тасдиғидир.

Демак, иқтисодиётга, энг замонавий технологиялар билан қуролланган саноатга, хизмат кўрсатиш ва сервис, туризм соҳаларига янги кучлар кириб келмоқда. Уларнинг ишчанлиги, ижодкорлиги Ватан манфаатларини чинакам фуқаролик позициясидан туриб баҳолай олишлари эса ислохотларга ўзгача куч-қудрат бағишламоқда.

Зохир ТўРАҚУЛОВ,
"Адолат" мухбири.

"АДОЛАТ" СДП:

ТАШАББУС ВА ТАДБИРЛАР

Наманган вилояти партия Кенгаши ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Наманган филиали ҳамкорликда "Оғоҳлик - давр талаби" мавзусида кенгайтирилган давр суҳбати ўтказди.

Юнусобод тумани партия Кенгаши ташаббуси билан тумандаги "Адолат" маҳалласида "Спорт ва ёшлар" деб номланган тадбир ташкил қилинди.

Пасдарғом тумани партия Кенгаши томонидан уюштирилган тадбирда миллий истиқлол ғояси ҳақида сўз борди. Унда миллий ғоя - мамлакатимиз аҳолисининг барча табақаларини эзгу мақсад йўлида бирлаштирувчи кучли омил эканлиги таъкидланди.

Пахтакор тумани партия фаоллари тумандаги "Оқ олтин" маҳалла фуқаролар йиғинида "Мустақиллик борлигимиз, шону шухратимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз гаровидир" мавзусида давр суҳбати уюштиришди.

Жалақудук тумани партия Кенгаши Ёшлар йилига бағишланган "Ёшлар - гиёҳвандлик ва терроризмга қарши" шиори остида йиғин ташкил қилди.

Ромитон тумани партия Кенгаши "Богитуркон" маҳалла фуқаролар йиғинида аёлларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган "Аёл борки, олам мунаввар" мавзусида тадбир ўтказди.

ИСТИҚЛОЛ -
БЕБАҲО НЕЪМАТ

Ўзбекистон "Адолат" СДП Қамаш тумани Кенгаши "Соғлом авлод учун" ва "Маҳалла" жамғармалари билан ҳамкорликда мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиғи олдидан қўлаб тадбирлар ўтказмоқда. Шундай тадбирлардан бири Чим қишлоғида ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққан туман партия Кенгаши биринчи котиби Нурмаҳмад Мирзаев истиқлолни мустаҳкамлаш ва уни асраб-авайлаш барча фуқароларнинг муносиб бурчи эканлигини таъкидлади. "Адолат" СДПнинг бош мақсади ҳам адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш, пировардида, юртимизни ривожланиш мамлакатлар сафидан мустаҳкам ўрин олишига муносиб улуш қўйишдан иборат эканлиги айтилди.

Тадбирда, шунингдек, мустақил Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида тугган ўрни, хориж мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари, Ёшлар йилида амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотлар ҳақида сўз юритилди.

К. САХАТОВ,
"Адолат" мухбири.

Бундан ярим аср илгари қадимий Қармана шаҳри билан туташ Қизилқум саҳроси бағрида Навоий шаҳрига асос солинган эди. Утган давр ичида бу маскан мамлакатимизнинг гўзал, кўркем кентлари қаторидан ўрин олди. Айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг Навоий шаҳри ўзгача қиёфа касб этди. Бу ерда бир қатор янги ишлаб чиқариш корхоналари, таълим-тарбия муассасалари, турар-жой иншоотлари қад ростланди.

СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йилнинг 1 июлида қабул қилинган "Навоий шаҳри ва Навоий кон металлургия қўшма биёйига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори шахар ахлини, мазкур нуфузли корхона жамоасини янада руҳлантириб юборди.

Ҳозир ушбу қарор ижроси юзасидан шаҳарда кенг қамровли ишлар олиб боришмоқда. Бу муҳим ҳужжатда юбилейни юксак савияда ўтказиш, шунингдек,

бир қатор янги иншоотларни ишга тушириш, шахар ва корхона ҳудудидан ободонлаштириш ишларини янада кучайтириш тадбирлари белгилаб берилган.

Қутлуғ сана муносабати билан Дашт-Нагорний каналнинг ишга туширилиши аҳолининг сув таъминоти ҳамда шахар экологиясини тубдан яхшилаш имконини берди. Нарпай каналга туташган 13 километрлик янги сув иншооти орқали Навоий шаҳри ва Қармана тумани ҳудудиди- ги 1350 гектар ер майдо-

нини сугориш мумкин. - Навоий шаҳридаги экинзорларнинг катта қисми анчадан бери оқва сувлар билан сугориларди, - дейди "Навоийсувтаъмир" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Жамол Мейлиев. - Бу эса шахар об-ҳавосини бузилишга, экологик аҳолининг ёмонлашуви олиб келарди. Вилоят 24-қўрилаётган корхоналар билан биргаликда дирекцияси бююртмаси асосида барпо этилган янги сув иншооти навоийликлар учун муносиб байрам совғаси бўлди.

(ЎА)

Коммунал хизмат

ҚАРЗНИ ТЎЛАБ, БЕТАШВИШ ЯШАНГ

Бугунги фаровон ҳаёти-мизни электр энергиясиз та-саввур қилиш қийин. Чунки, электр энергия хонадонимизда бор экан радио, те-левидение орқали бутун дунёда содир бўлаётган воқеа-ходисалардан бохабар бўламиз, уйларимиз чаро-гон бўлади. Бундан ташка-ри, ишлаб чиқариш ва сано-ат корхоналари иш фаолият-и ҳам бевосита электр энер-гия билан боғлиқ.

Яқинда автобуста кетаё-тиб, бир нуроний отахон бил-ан суҳбатлашиб қолдим. — Ўғлим бугун пенсиямни олиб, светга пул тўлаб ке-ляпман, — дейди отахон. — Одамни ҳайрон қолдирадиг-ани электр тармоқлари кор-хонасидан қарздорларнинг

асосий қисмини менга ўша-ган пенсионерлар эмас, бал-ки тоғни урса талқон қила-диган кишилар экан. Ахир, ҳаётимизни фаровон, уйи-мизни чарогон қилаётган электр энергиянинг ҳақини тўламаслик кўрнамаллик эмасми?

Дарҳақиқат, отахоннинг гапларида жон бор. Ахир, бир неча юз минглаб хона-донларга электр энергияни узлуқсиз куну-тун етказиб бериш учун озмунча одам-нинг меҳнати кетадими, қолаверса, сарфланадиган маблағни айтмайсизми?

Яқинда хизмат сафари бил-ан Самарқанд вилояти электр тармоқлари кор-хонасида бўлдим. Ташкилот мутасаддилари билан суҳ-

батлашдик. Улар ҳам етказ-иб берилаётган энергия-нинг ҳақини аҳоли ва кор-хона, ташкилотлар ўз вақ-тида тўламаётгани, бу эса керакли ускуналар, таъмир-лаш материаллари сотиб олишда муаммолар туғди-раётганини афсус билан таъ-кидлашди. Ўзи электр тар-моқлари корхонасидан қарздор бўла туриб, электр энергия етказиб берилма-япти, дея турли идораларга шикоятбозлик қилаётганлар ҳам учраб тургани ташвиш-ланарли ҳол.

Биргина Самарқанд шаҳ-рида яшовчи аҳолининг ша-ҳар электр тармоқлари кор-хонасидан қарздорлиги 44 миллион 82 минг 192 сўмни ташкил этмоқда. Бу эса

юқорида таъкидлаганимиз-дек, ташкилотнинг моддий техника базасини мустаҳкам-лашга тўқинлик қилмоқда. Мисол тариқасида Самар-қанд шаҳар Термиз кўчаси 222-а уйда яшовчи А.Жўра-кулов 1 миллион 71 минг 873 сўм, Сўзангарон кўчаси 30-уйда яшовчи Р.Аҳмедов 1 миллион 71 минг 874 сўм, Кафтархона 1-маҳалласи, Рўдакий 1-уйда яшовчи Г.Шокирова 957 минг сўмлик электр энергиясини ишла-тиб, ҳақини тўлашга келган-да турли баҳоналарни рўқча қилишдан нарига ўтмаяпти. Бундан ташқари, "Каландарова" хусусий корхонаси, "Умид", "Тинчлик", "Семур" ширкатлари ва бошқа кор-хоналарнинг ҳам қарздорли-

ги 10 миллион сўмдан ошиб кетган. Қиссадан хисса шуки, қарзни тўлаб, ҳаётимизни чарогон қилаёт-ган электр энергиядан самарали фойдаланиш аҳолига ҳам, нурчиларга ҳам фақат фойда келтира-ди. Шундай экан, қарзинг-ни тўла, беташвиш яша!

Дарвоқе, вилоят нурчи-лари аҳоли ўртасида электр энергиясидан қарздорлик-ни камайтириш борасида тегишли ташкилотлар бил-ан ҳамкорликда иш олиб бораётгани бу бора дуч ке-линаётган муаммоларни ҳал этмишда кўл келаяпти. Қувонарлиси, ўз ҳожиши билан ишлатилган электр энергия ҳақини тўлайдиган миқдорлар юқоридаги каби қарздорларга ўрناк бўлиш-моқда.

Олим ҲАКИМОВ,
"Адолат" мухбири.

Аспр кашфиёти

ИШБИЛАРМОН
"PAYNET"

Хизмат тўловларини мувофиқлаштиришда давом этмоқда



ёрдамида амалга оширади. Тўловлар интернет тармоғи ёрдамида бажари-лади ва ҳеч қандай махсус терминал қўлланилмайди.

"Payment" ҳам секин-аста ривожла-наётир. Хусусан, "Тошхартрансхиз-мат" томонидан чиқарилаётган ойлик йўл чипталарини турли компания ва ташкилотларга етказишда "Payment" алоҳида хизмат кўрсатмоқда. Юрти-мизда онлайн тартибда ишлайдиган тизимлардан яна бири бу — DAKA OMAD компаниясининг "Fast pay" хизмати-дир. Компания 2007 йилнинг октябрь ойидан бошлаб "ягона тўлов тизими"-ни ишга туширди. Юртимиз аҳолиси-нинг қарийб 60 фоизи қишлоқ жойла-рида истикомат қилишини инобатга

олсак, интернет, онлайн тизимларидан кўра, ўз қўли билан хоҳлаган суммани ис-таган вақтда тўлаш қулай саналади. Бош-қача айтганда, "Payment", "Fast pay" "E-pay" ва бошқа шу каби компанияларнинг гу-лаб-янашиш кўп жихатдан юртимизда за-монавий технологияларнинг ривожланиши билан боғлиқ.



Ҳозир жаҳоннинг кўплаб ривожланган мамлакатларида ахборот технологиялари соҳасидаги ўзгаришлар кўз илғамас дара-жада ривожланмоқда. Масалан, электрон тўлов тизими бўйича интернет орқали хиз-мат кўрсатадиган компанияларнинг энг йи-риги бу — PayPal тизими бўлиб, айни пайтда жаҳоннинг 200 га яқин мамлакатда фаоли-ят олиб боради ва 160 миллиондан ортиқ рўйхатдан ўтган миқозларига эга. 1998 йили ташкил этилган мазкур тизим 17 та миллий валютада иш юритади.

Айнан PayPal тизимида биринчи бўлиб миқозлар ўртасида тўловни амалга оши-ришда электрон почтадан фойдаланиш жо-рий этилган. Унинг мавжуд тизимлардан фарқи шундаки, миқоз тўловни ўз уйида ёки иш жойида интернет орқали амалга оширади. Миқозлар тизимдан фойдалан-ганда маблағларни ўзларининг банк кар-талари ёки банкдаги ҳисоб рақамлари ёрдамида қўлайди. Ушбу тизим орқали нафақат турли хизматлар учун тўловни амалга ошириш, балки интернет аукцион-лардан хар хил маҳсулотларни сотиб олиш ҳам мумкин.

Бугунга келиб, дунёда тўлов тизимлари орқали миллиардлаб доллар маблағ айлан-моқда. Маълумотларга кўра, жаҳонда мо-бил тўловлари айланмаси 2003 йилда 3,2 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2005 йили 11,7 миллион долларга етган. 2008 йилда эса бу кўрсаткич 37,1 милли-ард долларга етиши кутуляпти. Мобил тиж-орати соҳасининг қалдирғочларидан бири сифатида MeritaNordbanken банки тилга олинади. Банк 1992 йили ўз миқозларига мобил ҳисоб тўловлари хизматини жорий қилган. Ҳозир мобил телефон ёрдамида турли хил маҳсулотлар сотиб олиш ва хиз-матлар учун тўловларни амалга ошириш йўлга қўйилган. Ушбу йўналишда Осие мам-лакатлари етакчилигини ўз қўлларидан ушлаб турибди. Мобил тўловлар соҳасида энг ил-ғор мамлакатлар ичида Сингапур, Корея Республикаси, Япония, Финляндия, Норве-гия, Австралия, Испания ва Белгияна санаб ўтиш мумкин. Лекин бу мамлакатларда мо-бил тўловлар соҳаси осонликча юзага ке-лмаган. Бир неча йиллик тадқиқотлар ва си-новлар ушбу хизматларни йўлга қўйиш им-конини берди.

Инсоният замонавий технологияларни кашф қилиб, янгиликларни имкониятларни юзага келтирмоқда.

Бехбуд БОТИРОВ.



Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

Жиззах вилоятидаги "Сардор мрамари" корхонаси қурилиш корхоналарини маҳсулот билан таъминлаш борасида ибратли ишларни амалга оширмоқда. Шебен кум, мрамар кромика каби қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослаш-

ган корхонада 20 нафардан зиёд ишчи хизмат қилади.

— Жорий йил биз учун омад-ли келди, — дейди корхона иш юритувчиси Шавкат Сувонку-лов. — Чунки йилнинг биринчи чорагидаёқ 5 та қурилиш кор-хонаси билан 5 миллион 240

минг сўмлик шартнома имзо-лашга муваффақ бўлдик. Нати-жада фаолиятимиз янада жон-ланиб кетди. Биз чиқараётган маҳсулотлардан катта бунёдкорлик ишларини амалга оширишга хизмат қилаётганидан хурсанд-миз.

Наманган
томонлардаКЎРКАМ БИЛИМ
МАСКАНЛАРИ

Поп туманининг Марғзор қишлоғида умумий смета қиймати 2 миллион 267 миллион сўм бўлган 675 ўринли Транспорт, алоқа касб-хунар коллежи қури-лиши жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Янги ўқув йили арафасида битказилиши режалаштири-лаётган ушбу коллежда ёшлар транспорт воситала-рини ишлатиш ва таъмир-лаш, электрэнергетика, те-лекоммуникация, информа-тика ва ахборот технология-си, почта хизматлари каби бир қатор касбларни эгал-лаш учун таҳсил олишди. Айни кунларда қурилиши поёнига етиб қолган Чортоқ туманидаги академик лицей эса янги ўқув йилидан бош-лаб 170 нафар илк иқтидор-ли ёшларни тўрт йўналиш бўйича ўқишга қабул қила-ди. Ҳозирда бу ерда 230 на-фар уста пардозловчи, сан-техник чиалангарлар сўнги ишлар билан банд.

ВОДИЙДА ЯГОНА

Жорий йил бошида На-мангандаги "Қурилишбу-лаштаъмирлаш" масъулияти чекланган жамият бунёд-корлари Наманган шаҳрида Фаргона водийсида ягона ҳисобланган Минтақавий кардиохирургик марказ қурилишига киришишганди.

Ҳозирга қадар лойиҳа қийматидаги 1 миллион 596 миллион сўмнинг ан-чагина қисми ўзлаштириб бўлинди. Дарвоқе, марказ ишга тушган, энг ноёб тиб-бий ускуналар билан жи-хозланиши кўзда тутилмоқ-да. Мутахассисларнинг таъ-кидлашича, айни пайтда хориждан 12,5 миллион евролик тиббий ускуналар келтирилган.

Сайид ОЛИМ,
"Адолат" мухбири.

Жиззах вилояти ҳокимлиги
Ягона буюртмачи хизмати
Инжиниринг компанияси

республикада фаолият юритаётган барча
шижоаткор бунёдкорларни
касб байрами — Қурувчилар кун билан
чин юракдан табриклайди.

Шу азиз Ватанимиз равнақи, озод ва обод
юртимиз истиқболи йўлидаги эзгу ишларин-
гизда омад ҳамisha ҳамроҳингиз бўлсин!



ЯНА ЗИЛЗИЛА

Индонезияда 6,6 балли зилзила содир бўлди.

Жорий йилда табиий офатлардан чарчаган индонезиялик-лар кўни кеча яна кучли ер силкинишига гувоҳ бўлишди. Оқибатда қарийб 150 та уйлар қулаб тушган. Вайроналар остида қолиб кетганлар ҳам бор.

Бу мамлакатда ўтган икки ҳафтада кузатилган кетма-кет учин-чи зилзилалар. Ачинарлиси шундаки, гидрометеорология хизмати табиий офат ҳақида аҳолини олдиндан хабар қилмаган.

ДУБАЙДАН НЬЮ-ЙОРКГАЧА

Нью-Йоркдаги Жон Кеннеди номидаги халқ-аро аэропортга Бирлаш-ган Араб амирликларининг "Emirates" авиаком-паниясига қарашли ду-нёдаги энг катта йўловчи та-шувчи Airbus A380 са-молёти келиб қўнди. Бу самолёт Дубай-Нью-Йорк йўналиши бўлаб тижорат рейсини амалга оширди.

Лайнер бортида 500 дан ортиқ одам бўлиб, улар йўловчилар ва экипаж аъзолари эди. Бу Airbus томонидан янги технология асосида ишланган ва АҚШга тижорат қатновларини амалга ошириш учун мўлжалланган биринчи самолётдир. Кеннеди аэропорти мазкур аэробусни қабул қилиб олиш учун модерни-зация ишларига 179 миллион доллар сарфлади.

Эслатиш жоизки, 2007 йилнинг 26 октябрида Singapore Airlines авиакомпаниясига тегишли Airbus A380 лайнери ўзининг биринчи тижорат рейсини муваффақиятли амалга оширган эди.

АНИҚ СОАТ

Париждаги "Друо" савдо уйида "Брегет" астрономик чўпак соати 3,47 миллион еврога сотилди.

Мохир уста Абрахам Луи Брегет (1747-1823) ясаган ушбу қадимий соат бир йил-да 3-5 сонияга "адашадиган", холос. У хар чорак соатда бонг уриб туради, санани аниқ кўрсатишда кабиса йилини ҳам ҳисобга олади.

Хабарларга қараганда, тўрт йил мобайнида тайёрланган ушбу соатни 1831 йил 13 октябрда Соммерсетнинг ўн би-ринчи герцоги, лорд Эдвард Адольф Сеймур етти минг франкка сотиб олган экан.

СИНТЕТИК ЁНИЛГИ

Жанубий Африка Республикасининг "Сасол" компа-нияси синтетик авиацион ёнилги ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, ушбу ёнилги нисбатан кўп энергия қиради ва ҳавони камроқ ифлослантиради.

Хабарларга кўра, "Сасол" шу кунгача фақат автомобил-ларга мўлжалланган синтетик ёнилги ишлаб чиқарган. Уни тайёрлашда тошқўмир ва газдан фойдаланилган.

БУТУНДАН БОШЛАБ...

8 август. Пекинда 29-ёзи Олимпиада бошланди. Унда дунёнинг кўплаб дав-лат раҳбарлари иштирок эт-иш кутилмоқда.

Санкт-Петербургда "Ев-ропа сари" деб номланган кинофестиваль ўтказилади. Шунингдек, Эдинбург театр фестивали ҳам ўз ишини бошлайди.

9 август. Кримда сув спорти бўйича жаҳон чем-пионати бўлиб ўтади. Унда турли давлатлардан келган

200 нафар спортчи қатна-шиш кутилмоқда.

10 август. Туркияда Ис-роил ва Сурия ўртасидаги тен-лик алоқаларини ўрнатилга қаратилган бешинчи босқич учрашувлари ўтказилади.

Хитойда олимпиада дои-расида теннис турнири бош-ланади.

13 август. Москвада МДХ иқтисодиётини ривожланти-ришга қаратилган иқтисодий масалалар комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтади.

